Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 3 (2024) · “Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini moliyalashtirish tendensiyalari” mavzusidagi respublika il...

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аблазов Шохрухбек Абдуқаххорович,
АКХАИ таянч докторанти

Annotatsiya: *Ушбу тезисда кўп тузилмали иқтисодиёт, қишлоқ хўжалигида кооперативларнинг тамойиллари, уларни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган ва тадқиқот жараёнида олинган натижалари хусусида сўз юритилган, шунингдек, ўрганиш натижалари асосида фикр ва мулоҳазалар берилган.*

Kalit so‘zlar: *глобаллашув, экспорт, халқаро стандартлар, Organic, Global G.A.P. талаблари, кўп тузилмали иқтисодиёт, қўшма тадбиркорлик, сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ишлаб чиқариш воситалари, нархларнинг номутаносиблиги, қишлоқ хўжалиги кооперативлари, янги авлод кооперативлари.*

Бугунги глобаллашув шароитида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини яхшилаш, экспортбоб маҳсулот ишлаб чиқаришда халқаро стандартлаштирилган қишлоқ хўжалиги амалиёти Organic, Global G.A.P. талаблари доирасида сертификатлашни жорий қилиш ва экспорт ҳажмини мунтазам ошириб бориш, ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилганлигини ошириш ҳамда илғор хорижий давлатлар тажрибаларини фаол қўллашни тақазо этмоқда.

Бундай шароитда иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили сифатида ҳудудий табиий-иқлим ва ижтимоий-иқтисодий шароитларга асосланган хўжалик юритишнинг турли шаклларидан самарали фойдаланиш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Кўп тузилмали иқтисодиётга ўтиш, шахсий ва қўшма тадбиркорлик тамойиллари бўйича турли хил хўжалик юритиш шаклларининг мавжудлигига тенг ҳуқуқларнинг қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиши иқтисодий фаолиятнинг шартлари ва шаклларини эркин танлаш имкониятини очиб беради. Жамиятни сифат жиҳатидан ўзгартиришнинг умумий занжирида қишлоқ хўжалиги кооперациясининг турли шакллари муҳим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалигида иш ҳақининг паст даражаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш воситалари нархларининг номутаносиблиги қишлоқ аҳолисини шахсий ёрдамчи хўжаликларида ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга туртки бўлди, бу қишлоқ хўжалиги кооперативларини шаклланишига туртки берди.

Кооперативлар ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг тарихан вужудга келган ва доимий равишда такомиллашиб борадиган шакли сифатида ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида жамиятнинг иқтисодий эҳтиёжларини қондириш усулидир.

Қўшма Штатлар (АҚШ) Миллий кооператив бизнес уюшмаси бошқа

Published: 17.05.2024

Cite this article: Аблазов Шохрухбек Абдуқаххорович (2024). Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг ўзига хос хусусиятлари. Emro Science and Education, 1(3). https://journal.emro.uz/public/maqola/100

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

(инвесторларга йўналтирилган) корхоналарга нисбатан кооперативларнинг ўзига хос хусусиятларини таъкидлайди:

- Кооперативлар ўзларининг аъзолари томонидан (яъни кооперативнинг хизматларидан фойдаланувчи ёки унинг маҳсулотларини сотиб оладиган) ташқи инвесторларнинг эмас, балки ўз аъзолари томонидан демократик тарзда бошқарилади. Аъзолар ўзларининг директорлар кенгашини ўз сафларидан сайлайдилар. Асосий сиёсий қарорлар ҳар бир аъзонинг кооперативга киритган сармоясидан қатъи назар, битта аъзога, битта овозга асосланган тамойилга асосланади;
- Кооперативлар ортиқча даромадни (харажатлар ва инвестисиялардан келадиган даромад) улардан фойдаланиш ёки ҳомийлик қилишларига мутаносиб равишда аъзоларига қайтарадилар, лекин уларнинг инвестициялари ёки эгалиги улушига мутаносиб эмас;
- Кооперативлар фойда билан эмас, балки аъзоларнинг арзон ва сифатли товарларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун хизмат кўрсатади;
- Кооперативлар ўз аъзоларига хизмат кўрсатиш учун мавжуд;
- Кооперативлар инвестиция ва захиралар учун сақланиб қолган даромаддан солиқ тўлайдилар[12].

Кооператив- (лот. ҳамкорлик) – маҳсулотни ҳамкорликда ишлаб чиқариш ва сотиш, товар ёки хизматларни сотиб олиш ва истеъмол қилиш, уйларини қуриш ва эксплуатация қилиш ва бошқа мақсаддаги шахслар бирлашмасидир.

Кооператив – ихтиёрий ташаббускор ва ўз-ўзини бошқарувчи жамоат ташкилоти бўлиб, ўз олдига аъзоларининг ҳаёт ва меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашиш мақсадини қўяди ва жамоа (гуруҳ) мулкига асосланган корхона шаклида ижтимоий-оммавий фаолият кўрсатиш билан бирга юридик шахс сифатида ҳаракат қилади.

Кооперацияга бирлашиш орқали агросаноат мажмуасида замонавий техника ва тежамкор технологиялар билан таъминлашни жадаллаштириш, ишлаб чиқариш харажатларини тежаш ва тежамкор инновацион технологияларни қўллаш имконияти, маҳаллий озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконияти туғилади.

Қишлоқ хўжалигида кооперация 4 хил йўналишда мавжудлигини айтиш мумкин[13]:

1. Кооперация ишлаб чиқарувчи фирма (корхона) шаклида мавжуд бўлиб, бунда корхона (кооператив) аъзоларини аниқ мақсад йўлида бирлаштирган бўлиб, у аъзоларининг биргаликдаги меҳнатига асосланади. Натижада уларнинг манфаатлари ва фойда олишларини кўзлайди.
2. Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатлари вертикал интеграстияга

[12] GF Ortmann & RP King. Agricultural Cooperatives I: History, Theory and Problems//Agrekon, Vol 46, No 1 (March 2007)// http://citeseerx.ist.psu.edu/viewdoc/download?doi

[13] Туробова Ҳ., Мадаминова З. Бухоро вилоятида фермер хўжаликларини ривожлантириш йўллари//Эл. Ж.Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Т.: 2018.№2 www.iqtisodiyot.uz

асосланади. Бунда қишлоқ хўжалиги корхоналари, уларни сақловчи ва қайта ишловчи корхоналарнинг ўзаро келишуви асосида ташкил этилади ва фаолият юритади. Бунда корхоналарнинг мустақиллиги сақланиб қолади.

3. Ҳамкорликда ишлайдиган корхона (хўжалик) ва фирмаларнинг иттифоқи (коалистияси) шаклида фаолият юритади.

4. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва унга алоқадор ташкилотлар билан шартномавий муносабатлар асосида фаолият юритиши тушунилади.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёни кооператив ташкилотларнинг давлат, манфаатли ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг ҳамкорлигини кенгайтириш; хўжаликлар фаолиятини диверсификациялаш ва бошқарувни такомиллаштириш зарурлигини келтириб чиқаради.

Янги авлод кооперативларида мулкчилик ҳуқуқи етказиб бериш ҳуқуқи шаклида яъни аъзо-мижоз гуруҳи ўртасида сотиб бўладиган даражада бўлади. Мулкчилик ҳуқуқида кооператив бирашмаси аъзолари (иштирокчилари) чегараланган бўлади, аъзолик ёпиқ кўринишда, аъзоларга “етказиб бериш ҳуқуқи”га пропорционал тарзда инвестицияларига киритиши талаб этилади. Ва таъминот бозор келишувлари асосида назорат қилинади. Асосий афзаллиги шундаки, бу модел риск капиталини кооперативга бериш орқали аъзоларни рағбатлантиришни такомиллаштиради.

Бизнинг фикримизча, кооператив – бир гурух инсонларнинг ихтиёрий ташаббускор ва ўз-ўзини бошқарувчи жамоат ташкилоти бўлиб, улар ўз олдига аъзоларининг ҳаёт ва меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашиш мақсадини қўяди ва шериклик мулкига асосланган корхона шаклида ижтимоий-оммавий фаолият кўрсатиш билан бирга юридик шахс сифатида ҳаракат қилади.

Кооператив – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ўзларининг тенг ***(бир хил ва тенг миқдорда қўшган улуш ҳисобига шакллантирилган бўлиши шарт)*** пай улушлари асосида шахсларнинг ихтиёрий бирлашуви орқали ташкил этилади ва ўз-ўзини молиялаштириш асосида фаолият кўрсатади.

Шу билан бирга кооперациялашган хўжаликларнинг ўзлари ўз фаолиятининг ҳуқуқий шаклини оқилоналик мезони бўйича танлайди.

Шу сабабли, бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг алоҳида муаммоси замонавий шароитда қишлоқ хўжаликларининг кооператив бирлашмаларининг шаклланиши ва фаолияти билан боғлиқ масалаларнинг етарли даражада назарий ва услубий жиҳатдан ўрганилмаганлиги бўлиб, бу кўпинча уларнинг ролини етарлича баҳоламаслик ёки ортиқча баҳолашга олиб келади. Қишлоқ хўжалигида кооперация асосида фаолият юритувчи қишлоқ хўжалиги кооперативларнинг ўрни ва ролини, уларни шакллантириш ва янада ривожлантириш йўлларини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарбдир.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo‘ljallangan strategiyasi hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori PQ-4863-son 15.10.2020 y
2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 15 martdagi “Ichki iste’mol bozorini asosiy turdagi oziq-ovqat maxsulotlari bilan kafolatli ta’minlashga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi №135 qarori.
3. Mirziyoyev Sh.M. Meva-sabzavotchilik tarmog‘ini yanada rivojlantirish va eksportini oshirish, aholi tomorqalaridan samarali foydalanishni ta’minlash masalalariga bag‘ishlangan videoselektor yig‘ilishi. 05.11.2019. www.xabar.uz.
4. Modeli upravleniya nauchno-innovatsionnoy deyatelnostyu vuza”/ avtorы mejdunarodnoy kollektivnoy monografii: Sh.Sh. Shoxa’zamiy, D.V. Puzankov, A.V. Vaxobov, V.M. Kutuzov, A.V. Muravev, M.Yu. Shestopalov, N.G. Rыjov, I.S. Terenteva. - T.: Iqtisod-moliya, 2006. – 242 s.
5. Shoxa’zamiy Sh.Sh. Traktat o smart tsifrovoy respublike. Monografiya. -T.: Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2020. -352 s.
6. Shoxa’zamiy Sh.Sh. Puti povыsheniya konkurentosposobnosti gosudarstvennыx vыsshix uchebnыx zavedeniy.// “Oliy ta’lim taraqqiyoti istiqbollari” O‘zbekistondagi Erasmus+ milliy ofisi hamda Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining tashkiliy ko‘magi asosida nashr etiladigan ilmiy-metodik jurnal, 13-son. - T.: NTM “NEO Hamkor”, 2023. -b.15-47.
7. To‘ychiyev A.G‘. Kichik biznesga innovatsiyalar transferini moliyalashtirish. Monografiya. “Fan” nashriyoti. Toshkent 2020. -224 b.
   To‘ychiyev A.G‘. Agrobiznesni tashkil etish va boshqarish. O‘quv uslubiy majmua. Andijon 2020. 235 bet.

IQTISODIYOTNI BARQAROR RIVOJLANISHIDA TURIZM SOHASINI AXAMIYATI

Abduraxmonov Valijon G‘ofurovich
TDIUAF “Ijtimoiy-gumanitar fanlar” kafedrasi dotsenti, i.f.n.
Anvarov Akmaljon Akbarjon o‘g‘li
TDIUAF “Bank ishi audit” yo‘nalishi, 2-bosqich talabasi

Bugungi kunda O‘zbekistonda ijtimoiy hayotning barcha sohalarida keng ko‘lamli islohatlar amalga oshirilmoqda va ushbu islohotlarning asosiy maqsadi mamlakat iqtisodiyotini yanada rivojlantirish va o‘zbek xalqining turmush farovonligini oshirish ko‘rsatkichidir. Turizm rivojlanayotgan iqtisodiyotlar va rivojlanayotgan mamlakatlar uchun katta imkoniyatlar yaratadi. Turizm o‘z o‘rnida ish o‘rinlarini yaratadi, mahalliy iqtisodiyotni mustahkamlaydi, mahalliy infratuzilmani rivojlantirishga hissa qo‘shadi va tabiiy muhitni, madaniy boyliklar va an’analarni saqlashga, qashshoqlik va tengsizlikni kamaytirishga yordam beradi. Shuning bilan